

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ ИЛҲОМЖОН ИСЛОМ ЎҒЛИ

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА АСОСИЙ ТЕРАПЕВТИК
АГЕНТЛАРГА ФАРМАКОЛОГИК ЖАВОБНИНГ
ГЕНЕТИК ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Султонов Илхомжон Ислом Ўғли Ревматоид артритда асосий терапевтик агентларга фармакологик жавобнинг генетик предикторлари.....	3
Султонов Илхомжон Ислом Угли Генетические предикторы фармакологического ответа на главные терапевтические агенты при ревматоидном артрите.....	25
Sultonov Ikomjon Islom Ugli Genetic predictors of pharmacological response to major therapeutic agents in rheumatoid arthritis.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ ИЛҲОМЖОН ИСЛОМ ЎҒЛИ

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА АСОСИЙ ТЕРАПЕВТИК
АГЕНТЛАРГА ФАРМАКОЛОГИК ЖАВОБНИНГ
ГЕНЕТИК ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2181 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Исмаилова Адолат Абдурахимовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Рустамова Мамлакат Тулябаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Н.Я.Файзуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда замонавий ревматология ва клиник иммунологиянинг долзарб муаммоларидан бири ревматоид артритдир. Ревматоид артрит (РА) - сурункали синовиал яллиғланишга олиб келувчи иммун яллиғланиш касаллиги бўлиб, бўғимларнинг шикастланиши ва тизимли асоратлар билан кечади. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... аҳоли ўртасида РАнинг тарқалиши 0,5–1,0 % ни ташкил қилмоқда, беморларнинг 70-80% да аутоантитаналар аниқланиши ушбу касалликда иммун яллиғланиш механизмларининг ўрни борлигидан далолат беради. РА билан оғриган беморларда ўлим даражаси умумий аҳолига қараганда 2 баробар юқори ҳисобланади»¹. Бундан ташқари беморларнинг 27% да меҳнатга лаёқатсизлик белгилари касалликнинг биринчи 3 йиллигида намоён бўлмоқда². Ревматоид артрит патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва инновацион даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда ревматоид артрит пайдо бўлиши ва ривожланишида иммунжавоб кучи ва йўналишини белгиловчи генетик омилларни (HLA) аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тадқиқотлар турлича бўлиб, геном ассоциацияси тадқиқотларида (GWAS) HLA гени ва кўплаб HLA бўлмаган касалликнинг хавф локуслари аниқланган. Қатор илмий тадқиқотларда цитокин генларининг айрим полиморфизмлари қай даражада ревматоид артритга таъсир қилиши ҳамда беморларда кечадиган касалликнинг қайси хусусиятлари билан боғлиқлигини аниқлаш, ревматоид артритга мойилликнинг ирсий омилларини аниқлашдан иборат. Ҳозирги вақтда ревматоид артритга мойилликни эрта ташхислаш маркерларини аниқлашга йўналтирилган замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усуллари танлашда маълум бир терапевтик препаратга специфик таъсир кўрсатадиган аниқ генетик белгиларни (маркёрларни) излаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан ревматоид артрит касалликларга мойилликни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, бўйича комплекс чора-тадбирларида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

¹ Burgers, L. E., Raza, K., & Van Der Helm-Van, A. H. (2019). Window of opportunity in rheumatoid arthritis—definitions and supporting evidence: from old to new perspectives. *RMD open*, 5(1), e000870

² Perricone, C., Ceccarelli, F., & Valesini, G. (2011). An overview on the genetic of rheumatoid arthritis: a never-ending story. *Autoimmunity reviews*, 10(10), 599-608.

тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликга мойиллик ва уни ривожланишига таъсир кўрсатадиган генлар ва хужайра турларини аниқлаш ҳамда индивидуал фармакотерапия тизимини яратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналиши VI «Тиббиёт ва фармакология» доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий ютуқларнинг ҳозирги босқичида, ревматоид артрит - номаълум сабабларга кўра сурункали яллиғланишли касаллиги бўлиб, турли хил клиник кечиб, бугимларнинг прогрессив деструкциясига, тоғай ва суякларнинг деградацияланиши билан характерланади [Lee H-K, Kim DS, Yoo B, Seo JB, Rho J-Y 2005]. Кўпгина тадқиқотлар ушбу касалликни самарали даволаш ва профилактикасига катта эътибор қаратади. Универсал фармакотерапияда НЯКП ва кортикостероидлар фақатгина бўғимлардаги эрталабки қотишиш ва оғриқни камайтириш билан ўзини исботлайди [Lee H-K, Kim DS, Yoo B, Seo JB, Rho J-Y, Colby TV, Kitaichi M. 2005, Lee, H.S., Remmers, E.F., Le, J.M. 2015.]

Охирги 20 йилларда касалликнинг модификация (базис) қилувчи дори воситаларига кўпроқ эътибор кучайтирилди, чунки улар касалликнинг активлигини сусайтиради ва бўғимларнинг деформациясини секинлаши ёки пасайишига олиб келади [Grennan DM, Gray J, Loudon J, Fear S. 2011]. Кўпгина иммун реакциялар ва муҳим цитокинларнинг ўрганилиши натижасида ревматоид артрит билан даволанишнинг тубдан ўзгарилиши ва янгича ёндошувга сабаб бўлди [Ma, X., & Xu, S. 2013]. Бирок ҳеч қайси бир даволаш усуллари универсал ҳисобланмайди. Аксарият ҳолларда даволашни танлаш «синов ва хатолаш» асосланган. Бу эса касалликни ремиссияга олиб келмагунча турли хил дори воситаларидан фойдаланишга сабаб бўлади.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Айни вақтда, илмий тадқиқотлар хафли генетик маркер ва биомаркерларни ўрганишга қаратилган. Бу эса келажакда ҳар бир шахс (бемор)нинг индивидуал ёндошиб даволаш мумкинлигини кўрсатади [Nabi G, et al. 2016; Massey, J., Plant, D., Hyrich, K., Morgan, A. W., Wilson, A. G., Spiliopoulou, A., & Barton, A. 2018]. Ўтган йиллар тадқиқотларида ревматоид артритнинг генетик хавфи, ирсий мойилликлари, индивидуаллашган каби тиббий текширувлари мавжуд бўлмаган.

Буларнинг барчаси чуқур тадқиқотлар ўтказилиши муҳимлигини белгилайди. Унинг ечими иммунологик ва генетик механизмлар патогенезларини аниқлашга қаратилган. Юқоридагилар ревматоид артрит билан касалланган беморларни баҳолаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, даволаш самарадорлигини оптималлаштириш ва яхшилашга ёрдам беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260-сонли «Юқумли ва ижтимоий аҳамиятга эга юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2018-2021йй) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артритда асосий терапевтик агентларга фармакологик жавобнинг генетик предикторлари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг клиник, лаборатор ва функционал кўрсаткичларини аниқлаш;

ревматоид артритли беморлар ва ўзбек миллатига мансуб соғлом шахсларда MDR1 ва MTHFR генларининг полиморф вариантини генотиплаш;

аниқланган генларнинг турли хил аллел вариантлари бўлган ревматоид артритли беморларида БЯҚП терапияси самарадорлигини баҳолаш;

махсус генетик тадқиқотлар натижалари асосида ташхислаш ва даволаш-профилактика тадбирларини оптималлаштирилган алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2021 йилларда Самарқанд вилояти куп тармокли шифохонаси ва Тошкент шаҳар 3-клиник шифохонаси ревматология бўлимларида даволанган РА билан касалланган 117 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва зардобини биокимёвий, иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор-инструментал, гематологик, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритли беморларда иммунитетнинг CD8+, CD16+, CD20+ ва CD23+ ҳужайралар сонининг ишонарли даражада ортиши ва CD3+, CD4+

ва IgG кўрсаткичлари миқдорининг пасайишига бевосита боғлиқ иммунологик дисбаланс аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясида ревматоид артритли касалларда ва ушбу патологияга мойиллиги бўлганларда MDR1 ва MTHFR генлар полиморф варианты ассоциацияси касаллик билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор ўзбек популяциясидаги ревматоид артрит касалларида касаллик ривожланиши MDR1 гени C3435T (RS1045642) полиморфизми T аллели ва CT + TT генотипларининг комбинациясига боғлиқлиги, MTHFR генидаги C677T полиморфизмига боғлиқ эмаслиги исботланган;

илк бор серопозитив ревматоид артрит бўлган беморларда серонегатив беморларга нисбатан MDR1 + 3435TT генотиплари частотасининг ортиши ва MDR1 + 3435CC генотипларининг камайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек популяциясида ревматоид артрит ривожланишининг генетик макерлари комплекс баҳоланган;

ўзбек популяциясида ревматоид артритга мойиллиги MDR1 генининг C3435T полиморф маркери билан боғлиқлиги аниқланган;

ревматоид артритли беморларда MDR1 гени полиморфизмида Метотрексатнинг сезиларли фармакодинамик самарадорлиги аниқланган;

ревматоид артрит ривожланишининг генетик макерлари асосида даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланиладиган усулларнинг долзарблиги, назарий маълумотларнинг олинган натижаларга мувофиқлиги, тадқиқотнинг услубий аниқлиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, анамнестик, иммунологик ва иммуногенетик ҳамда статистик усулларига таянганлиги, замонавий компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда барча рақамли маълумотларни қайта ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ревматоид артритда асосий терапевтик агентларга фармакологик жавобнинг генетик предикторлари аниқлаш келгусида тадқиқотларни янада ривожлантириш имкониятини беради. Ўзбек миллатига мансуб аҳолида ревматоид артритга мойиллик MDR1 ва MTHFR генлар полиморф варианты ассоциациясига, касаллик ривожланиши MDR1 гени C3435T (rs1045642) полиморфизми T аллели ва CT + TT генотипларининг комбинациясига боғлиқлиги, серопозитив ревматоид артрит бўлган беморларда серонегатив беморларга нисбатан MDR1 + 3435TT генотиплари частотасининг ортиши ва MDR1 + 3435CC генотипларининг камайишига боғлиқлиги касаллик патогенези молекуляр-генетик асослари ҳамда патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек популяциясида ревматоид артрит ривожланишининг генетик макерлари комплекс баҳолангани,

ревматоид артритга мойиллик MDR1 генининг C3435T полиморф маркери билан боғлиқлигини аниқланганлиги, ревматоид артритли беморларда MDR1 гени полиморфизмида Метотрексатнинг сезиларли фармакодинамик самарадорлиги аниқланганлиги ва ревматоид артрит ривожланишининг генетик маркерлари асосида даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги касалликда базис терапияни танлаш ва шахсийлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматоид артритда асосий терапевтик агентларга фармакологик жавобнинг генетик предикторларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбеклар популяциясида ревматоид артритни ривожланиш хавфининг генетик маркерларини (MDR1 ва MTHFR) аниқлаш асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артритга генетик мойиллик: MDR1 ва MTHFR генларининг роли» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/353-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ревматоид артритнинг юқори хавфи мавжуд гуруҳларни аниқлаш, самарали профилактика чораларини амалга оширишга хизмат қилган;

генетик предикторларини аниқлаш асосида фармакотерапевтик аралашувни танлаш ва даво усулларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган «Ревматоид артритни даволашнинг замонавий стратегиялари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/353-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ревматоид артрит генетик маркерларини аниқлаш ўз вақтида базис терапияни танлашда ва шахсийлаштирилган ёндашувни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ревматоид артритда асосий терапевтик агентларга фармакологик жавобнинг генетик предикторларини аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан;

Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Самарқанд шаҳар «Ислом ота» хусусий клиникаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17926-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши ревматоид артритда асосий терапевтик агентларга фармакологик жавобнинг генетик предикторларини аниқлаш ва ўз вақтида шахсийлаштирилган даволаш усулини қўллаш орқали терапия самарадорлигини оширишга, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳамда беморларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика миқёсида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва ахамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган

Диссертациянинг **«Ревматоид артрит: эпидемиология ва касаллик юки (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича батафсил тадқиқот натижалари, шунингдек, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, дунёда ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг расмий статистик маълумотлар таҳлили ўтказилди. Кейинги бобларда аутоиммун касалликларда иммунитет тизимининг функционал хилма-хиллиги, базис яллиғланишга қарши дориларнинг фармакогенетик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу омилларни чуқурроқ тадқиқ этиш талаб қилади, бу эса терапия самарадорлигини оширишга ва касалликларнинг ривожланиш хавфини камайтиради ва иммун-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда дориларнинг ноҳўя таъсирини камайтиришга ёрдам беради.

Диссертациянинг **«Тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар»** деб номланган иккинчи бобида қўлланилган клиник материаллар ва тадқиқот усуллари батафсил баён этилган. Ушбу тадқиқот 2019-2021 йилларда РА билан касалланган 117 беморларни текшириш ва кузатишдан олинган натижаларга асосланган. Самарқанд вилояти куп тармокли шифохонаси ва Тошкент шаҳар 3-клиник шифохонаси ревматология бўлимида ва Тошкент 3-шаҳар клиник шифохонасида ўтказилди. Назорат гуруҳи 95 шартли соғлом шахслардан ташкил топди.

РА ташхиси Америка Ревматологлар Ассоциацияси (ACR) / Европа ревматология уюшмалари иттифоқи (EULAR 2016) томонидан қабул қилинган мезонлар билан тасдиқланган. Беморларни текширишда умумий қабул қилинган клиник, лаборатор ва инструментал усуллар қўлланилди. Бўғим синдроми ва касалликнинг фаоллигини баҳолаш учун оғриқли ва шишган бўғимларнинг сони, DAS 28 ва CDAI индекслари ва 100 миллиметрли визуал аналогли шкаладан (ВАШ) фойдаланилди.

Тадқиқотда РА диагностикасида муҳим бўлган лаборатор (умумий кон таҳлили, РФ, СРО, ЦЦПА (циклик цитрулин пептидига қарши антитаналар) УЦВА (ўзгарган цитрулинланган виментига қарши антитаналар), инструментал (рентген, ултратовуш текшируви, МРТ) текшириш усулларидадан фойдаланилди. 62 нафар РА беморлари ва соғлом шахслар контингентидан чуқур иммунологик тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу беморларда тадқиқот жараёнида иммунитет ҳолатининг кўрсаткичлари (CD3⁺, CD4⁺, CD8⁺, CD16⁺, CD19⁺, CD23⁺, CD95⁺, IgA, IgM, IgG) ўрганилди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар учун ўзбек миллатига мансуб РА билан касалланган 89 нафар беморнинг ДНК намуналаридан фойдаланилди. Назорат гуруҳи аллергик, аутоиммун ва юқумли-яллиғланиш касалликларининг клиник кўриниши бўлмаган 95 соғлом шахслардан иборат эди. Назорат гуруҳидаги шахслар ёши ва жинси бўйича беморлар билан мутаносиб ва иммуно-яллиғланиш касалликларига нисбаттан оғир ирсиятга эга эмас эди.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш Microsoft Excel дастурий таъминот тўпламининг статистик функциялар кутубхонаси ёрдамида амалга оширилди. Шу аснода ўртача қийматлар (M - арифметик ўртача), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m) ва ўртача квадрат (стандарт) оғиш (σ) Студент критерияси (t), хатолик эҳтимоли (p) ва Пирсон корреляция коэффиценти (r) аниқланди. Генетик тадқиқот таҳлиларида қуйидаги критериялар аниқланди - χ^2 , P-value, RR, OR, CI.

Диссертациянинг «**Ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг клиник, инструментал ва лаборатор текширишлар**» деб номланган учинчи бобида ревматоид артритли беморларнинг лаборатор фаоллигини баҳолаш ва клиник тавсифи берилган. РАда касалликнинг фаоллигини ишончли баҳолай оладиган алоҳида аломат йўқ. Яллиғланиш фаоллигини объектив баҳолашнинг асосий усули - комплекс фаоллик индексларидан фойдаланишдир.

Касалликнинг фаоллигини баҳолаш учун CDAI - касаллик фаоллигининг клиник кўрсаткичи ишлатилди. CDAI ни ҳисоблаш формуласи: CDAI = ШБС + ОБС + ШКАУБ+ БАУБ: бу ерда ШКАУБ- шифокор томонидан касаллик фаоллигини умумий баҳолаш ВАШ (см) индекси бўйича, БАУБ - бемор томонидан касаллик фаоллигини ВАШ (см) индекси бўйича умумий баҳолаш, ШБС–умумий 28 та бўғимлар орасидан шишган бўғимлар сони, ОБС - умумий 28 та бўғимлар орасидан оғриқли бўғимлар сони.

ШКАУБ ва БАУБ 0 дан 10 гача бўлган шкалада ўлчанади: юқори фаоллик >22, ўртача фаоллик 10-22, паст фаоллик 2,8-10, ремиссия эса <2,8 балл сифатида қабул қилинди. Терапияга жавобни баҳолаш: ўртача жавоб – CDAI индексининг 7 баллга пасайиши, сезиларли жавоб эса – CDAI индексининг 17 баллга пасайиши этиб белгилади. РА билан оғриган 89 кишидан иборат шаклланган гуруҳда CDAI клиник касаллик фаоллиги индексига кўра, 64 бемор (71,9%) ўртача ва 25 бемор (28,1%) паст касаллик фаоллигига эга эканлиги аниқланди.

**СДАІ клиник касалликлар фаоллиги индексига кўра РА
беморларининг тавсифи**

Касалликлар фаоллиги кўрсаткичи	СДАІ<10	10 <СДАІ<22
Беморлар сони РА, n (%)	25 (28,1%)	64 (71,9%)

Мавжуд клиник кўрсатмаларга кўра, ўртача ва паст фаолликка эга беморлар жараён фаоллиги динамикасини кузатиш ва тўғри даволаш учун ҳар ойда ревматолог кўригидан ўтиши керак. Беморларнинг иккала гуруҳида ҳам метотрексат асосий дори сифатида белгиланган. Бундан ташқари, керак бўлганда, баъзи беморлар терапевтик дозаларда ностероид яллиғланишга қарши дориларни (НЯҚД) қабул қилишди: нимесулид, асеклофенак, мелоксикам, кетопрофен.

Ревматоид артритнинг фаоллигини баҳолаш, унинг прогнози, асосий терапияни танлашда тўғри қарор қабул қилиш ва даволашни назорат қилиш учун бир нечта клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг аҳамияти жуда катта. Айниқса, шифокор ва бемор учун барча керакли кўрсаткичларни ўз ичига олган кенг қамровли умумий қон таҳлили қулай ҳисобланади. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларга кўра, биз ревматоид артрит билан оғриган беморларида 4 хил текширув усуллари: гематологик, биокимёвий, яллиғланиш маркёрлари ва иммунологик кўрсаткичлардан иборат кенг қамровли қон таҳлилинини ўтказдик.

Барча беморлар қон ва сийдикнинг клиник текширувларидан ўтказилди, карбамид, креатинин, холестерин, глюкоза, тимол тести, АЛТ, ЭКГ, кўкрак қафаси рентгенографияси, кўрсатмаларга кўра, висцеритлардаги ички органлар зарарланиши характерини аниқлаш учун ултратовуш текшируви ўтказилди. Ташхисни тасдиқлаш учун қўлларнинг рентгенографияси ўтказилди ва радиологик босқичлар Штейнброкер (1979) бўйича баҳоланди. Беморларда РА нинг асосан II-IV рентгенологик босқичи кузатилди.

Гематологик кўрсаткичлар – умумий қон таҳлили (УҚТ) ва лейкоцитлар формуласини аниқлашни ўз ичига олди. Шундай қилиб, УҚТ да РА билан оғриган беморларда анемиянинг енгил даражаси аниқланди. Бундан ташқари УҚТда тромбоцитлар сонининг пастки нормал чегараси ҳам кузатилди. РА билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбаттан ўртача лейкоцитлар сони сезиларли даражада фарқ қилиши кузатилди. Аммо, лейкоцитларнинг индивидуал турлари (гранулоцитлар ва агранулоцитлар) сони таққосланганда гуруҳларда сезиларли даражада фарқ топилмади. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) маълум патологик жараёнларда эритроцитлар ёпишиш тезлиги ва интенсивлигини аниқлайдиган кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич умумий қон таҳлилида мажбурий қийматлардан биридир. ЭЧТ ($39,19 \pm 1,28$ мм/соат) бўйича таҳлиллар РА беморларда кучли яллиғланиш жараёнининг мавжудлигини кўрсатди.

Антиревматик терапияни тавсия қилиш бўйича жорий клиник кўрсатмаларга мувофиқ, РА билан оғриган барча беморларга биокимёвий қон таҳлилини ўтказиш тавсия этилади: Жумладан АСТ ва АЛТ, креатинин, глюкоза кўрсаткичлари; гепатит В, С вируслари ва ортирилган иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) белгилари; ҳомиладорлик тести ўтказилиши лозим.

РА билан оғриган беморларнинг биокимёвий қон текширувида, асосий кўрсаткичлар (билирубин, глюкоза, креатинин, карбамид, АСТ, АЛТ, умумий холестерин) нормадан четга чиқмаганлиги ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмаслиги кузатилди. РА билан оғриган беморларда қондаги умумий калций концентрацияси ўртача $1,86 \pm 0,11$ ммол/л ни ташкил этди, бу иккиламчи тизимли остеопорознинг мавжудлигини кўрсатади.


2-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида УЦВА даражаси

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
УЦВА, ед/мл	$78,9 \pm 16,6$	$9,3 \pm 1,8$
ЦЦПА, ед/мл	$18,6 \pm 2,23$	$3,3 \pm 0,51$

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, соғлом одамларга нисбатан УЦВА ва ЦЦПА даражаси мос равишда 8,48 ва 5,63 марта ошган.

Кейинчалик, биз РА билан оғриган беморларнинг иммунитет ҳолатини ўргандик. 3-жадвалда РА билан оғриган беморларнинг периферик қонининг иммунологик параметрлари кўрсатилган.




Изоҳ: назорат гуруҳи билан солиштирганда кўрсаткичларнинг ишончлилиги: * - p<0.05; ** - p<0.01, ***** - p<0.001.

1-расм. РА билан оғриган беморларнинг периферик қони иммунологик кўрсаткичлари

1-расмдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, асосий гуруҳда CD4+,% ва CD8+,% нинг нисбий кўрсаткичлари асосий гуруҳидаги кўрсаткичлари билан солиштирганда назорат гуруҳидан сезиларли даражада камайганлигини кўриш мумкин. Назорат гуруҳи билан солиштирганда иммунорегуляцион индекс (ИРИ) ҳам сезиларли даражада камайганлиги аниқланди. Қолган лимфоцитлар, CD25+,% ва CD95+,% хужайраларининг нисбий ва мутлақ кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада узгарганлигини кузатдик.

Шундай қилиб, РА беморларининг периферик қонида аниқ иммунологик номуносивлик кузатилди, бу баъзи кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ошиши ва иммунитетнинг бошқа кўрсаткичларининг пасайиши билан намоён бўлди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, илгари ГКС қабул қилган беморларда илгари ГКС қабул қилмаган беморларга нисбатан кўпроқ лимфоцитоз борлиги аниқданди.

Диссертациянинг «MDR1, MTHFR генилари полиморфизмлари ва ўзбек популяциясида РА ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш» деб номланган тўртинчи боби икки кичик бўлимдан иборат бўлиб, биринчи кичик бобда MDR1 генининг C3435T полиморф вариантынинг аллеллари ва генотипларининг частоталари тақсимланишининг қиёсий таҳлили келтирилган. Иккинчи кичик бобда эса MTHFR генининг C677T полиморффик вариантынинг аллел ва генотипларининг частоталари тақсимланишининг қиёсий таҳлили натижалари муҳокама қилинган.



2-расм. РА ва назорат гуруҳларидаги MDR1 гени C3435T полиморфизмининг аллел частоталари

4-жадвалда MDR1 генининг полиморффик варианты C3435T аллелларининг РА беморлари ва тадқиқотга киритилган назорат гуруҳида тақсимланишини келтирилган. Назорат гуруҳида MDR1 генининг C3435T полиморфизми (кўп дори-дармонга чидамлик гени) ўрганилганда ўзбек

миллатига мансуб тадқиқот популяциясида Т – аллелининг частотаси 48,4%, С – аллели 51,6% эканлиги аниқланди. РА билан касалланган беморларни генотиплашда Т - аллел 51,1% ҳолларда, С - аллел 48,9% ҳолларда аниқланган ($\chi^2 = 0.268$, $p=0.268$, $OR=0,898$). Соғлом шахсларнинг назорат гуруҳи билан солиштирганда РА беморлари гуруҳида аллелларнинг тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш MDR1 генининг С3435Т полиморфизмига нисбаттан статистик жиҳатдан муҳим фарқ йўқлигини кўрсатди.

РА билан оғриган беморларда MDR1 генининг С3435Т полиморфизмининг генотиплари бўйича тақсимланиши 3-жадвалда кўрсатилган. Энг кенг тарқалган СТ генотипи РА беморлари гуруҳидаги шахсларнинг 39,33 фоизида аниқланган, таққослаш гуруҳида бундай шахслар 58,95 фоизни ташкил этган. Асосий гуруҳда ТТ генотипи бўлган беморларнинг 31,46% ни, таққослаш гуруҳида эса 18,95% ни ташкил этди. Энг кам учрайдиган СС генотипи бўлиб РА билан касалланган беморлар гуруҳида 29,21% ни, назорат гуруҳида эса - 22,11% ни ташкил этди.

3-жадвал

РА ва назорат гуруҳларида MDR1 гени С3435Т полиморфизми генотипларининг частоталари

MDR1 С3435Т	Асосий гуруҳ (РА), n=89	Назорат гуруҳи, n=95	OR	χ^2	95% CI
СС	26-29,21%	21-22,11%	1,454271	1.221 ($p=0.269209$)	0.747 >1.454< 2.831
СТ	35-39,33%	56-58,95%	0,451389	7.077 ($p=0.007806$)	0.25 >0.451< 0.814
ТТ	28-31,46%	18-18,95%	1,96357	3.837 ($p=0.050121$)	0.994 >1.964< 3.879

Тадқиқот натижаларидан кўришиб турибдики, РА билан касалланган шахслар орасида Т/Т генотипи 31,46% ҳолларда топилган ва соғлом одамларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларидан (18,95%) сезиларли даражада ошган ($\chi^2=3.837$, $p=0.05$, $OR=1,96$). РА билан оғриган беморларни ўрганишда MDR1 генининг С3435Т полиморфизмининг касалликнинг ривожланиши билан боғлиқлиги тасдиқланди.

Ўрганилаётган популяцияда MDR1 генининг полиморф вариантининг РА га мойиллиги билан боғлиқлигини излаш учун биз касаллик учун хос бўлган аутоантитаналарнинг ЦЦПА (циклик цитрулинланган пептидга қарши антитаналар) ҳолатига қараб аллел ва генотип частоталарининг тақсимланишини ўргандик. РА хавф аллелларининг жуда катта қисми келиб чиқиши Европалик бўлган беморларда аниқланган ва тасдиқланган [Ameyaw M.M., Regateiro F., Li T. 2001].

4-жадвалда ЦЦПА таҳлили натижасига боғлиқ равишда РА да MDR1 генининг С3435Т полиморфизми аллелларининг пайдо бўлиш частотасининг таҳлил натижалари келтирилган.

4-жадвал.

ЦЦПА таҳлили натижасига асосланган ҳолда РАда MDR1 гени С3435Т полиморфизмининг алел частоталари

MDR1 С3435Т	ЦЦПА– серопозитив беморлар (РА), n=64	ЦЦПА-серонегатив беморлар (РА), n=25	OR	χ^2	95% CI
С	49-38,2%	38-76%	5,10	20,47	0,001
Т	79-61,8%	12-24%			

Жадвалдан кўриниб турибдики, MDR1 ген полиморфизмининг С3435Т аллелларининг частоталарини таҳлил қилганда, ЦЦПА-серопозитив беморлар гуруҳидаги Т аллелининг ЦЦПА-серонегатив беморлар гуруҳига қараганда сезиларли даражада кўпроқ учраши аниқланди. (61,8% га нисбатан 24%, мос равишда $\chi^2 = 5,10$, $p=0,001$, $OR=5,10$).

Генотипларнинг тарқалишини ўрганиш шуни кўрсатадики, ЦЦПА-серопозитив беморлар гуруҳида Т/Т генининг гомозигот вариантининг частотаси назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан мутлақо ошганлиги (мос равишда 43,7% - 0% га нисбатан, $\chi^2 = 15,95$, $p=0,001$, $OR=\infty$) кузатилди. Шу билан бирга, ЦЦПА-серопозитив беморлар гуруҳида соғлом шахсларга хос бўлган гомозигот С/С вариантининг частотаси назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги аниқланди (мос равишда 20,4% ва 52%). Беморларнинг ушбу гуруҳида MDR1 генининг гетерозиготли С/Т вариантининг частотаси назорат гуруҳидаги кўрсаткич билан деярли бир хил эди.


5-жадвал.

ЦЦПА таҳлили натижасига асосланган ҳолда РАда MDR1 гени С3435Т полиморфизмининг генотипи частоталари

MDR1 С3435Т	ЦЦПА– серопозитив беморлар (РА), n=64	ЦЦПА-серонегатив беморлар (РА), n=25	OR	χ^2	95% CI
СС	13-20,4%	13-52%	0,23	8,729	0,004
СТ	23-35,9%	12-48%	0,31	1,09	0,29
ТТ	28-43,7%	0-0%	∞	15,95	0,001


РА касаллиги ривожланган шахсларнинг учдан икки қисмини аёллар ташкил этади ва кўплаб эпидемиологик тадқиқотлар РАда жинсга боғлиқ хавф омиллари мавжудлигига ишора қилади. Узоқ вақт давомида РА ривожланиш хавфига таъсир қилувчи айнан аёлларга хос омиллар мавжуд деб ҳисобланган. Айрим генларнинг полиморфизмини ўрганиш бўйича олиб

борилган маълумотларга кўра, жинс ва РА касаллиги ривожланиши ўртасида аниқ ассоциацияси топилган.



3-расм. РА беморлари ва назорат гуруҳидаги шахслар жинсига қараб MDR1 гени С3435Т полиморфизми аллелларининг частота тақсимоти

Ушбу йўналишнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, гуруҳларда шахсларнинг жинсини ҳисобга олган ҳолда MDR1 генининг С3435Т полиморфизмининг аллел ва генотип частоталарининг тарқалишини таҳлил қилишни қизиқарли деб ўйладик. Бемор аёлларда MDR1 генининг Т - аллелининг частотаси 78,6% ни ташкил этди ва назорат гуруҳидаги аёлларга караганда сезиларли даражада юқори эди ($\chi^2=6,38$, p=0.012, OR=0,35).



4-расм. РА беморлари ва назорат гуруҳидаги шахслар жинсига қараб MDR1 гени С3435Т полиморфизми генотипларининг частота тақсимоти

Генотип полиморфизми шуни кўрсатдики, аёл беморларда MDR1 генининг гомозигот C3435T вариантынинг частотаси соғлом одамларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларидан сезиларли даражада ошганлиги аниқланди ($\chi^2=3,1$, $p=0,075$, $OR=2,77$). Шундай қилиб, олинган маълумотлар РА C3435T да MDR1 генининг полиморфизми ушбу иммунопатологик ҳолатнинг бевосита ривожланишида, айниқса ЦЦПА бўйича серопозитив беморлар гуруҳида, шунингдек, аёлларда муҳим рол ўйнайди деган хулосага келишимизга имкон беради. Соғлом шахсларда MTHFR генининг C677T полиморфизми таҳлил қилинганда, ўзбек миллатига мансуб тадқиқот популяциясида С – аллелининг частотаси 94,2% ни, Т– 5,8% ни ташкил этиши аниқланди. РА билан касалланган беморларни генотиплашда С-аллел 88,8% ҳолларда, Т - аллел 11,2% ҳолларда кузатилди.

6-жадвал.

РА ва назоратдаги MTHFR гени C677T полиморфизмининг аллел частоталари

MDR1 C3435T	Асосий гуруҳ (РА), n=89	Назорат гуруҳи, n=95	OR	χ^2	95% CI
С	158-88,8%	179-94,2%	0,485	3.53 ($p=0.067204$)	0.226>1.11>1,045
Т	20-11,2%	11-5,8%			

MTHFR гени полиморф маркерининг генотипларининг частота тақсимотини ўрганишда назорат гуруҳида СС генотиби 89,47% ҳолларда, СТ гетерозигот генотиби - 9,47% ва ТТ гомозигот генотиби 1,05% ҳолларда қайд этилган. РА билан касалланган беморларда СС генотиби 79,78% ($\chi^2=3,35$, $p=0.06$, $OR=0,46$), СТ генотиби - 17,98% ($\chi^2=2,83$, $p=0.09$, $OR=2,09$), ТТ. Генотип эса 2,25% ($\chi^2=0,4$, $p=0.52$, $OR=2,16$) ҳолларда аниқланган.

Мультифакториал касалликларда генетик прогноз ва ривожланиш механизмларини тушуниш учун касаллик ва ўрганилаётган генларнинг полиморфизми ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш зарур.

ЦЦПА таҳлили натижасига асосланган ҳолда РА гуруҳи беморларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ЦЦПА – серопозитив беморларда MTHFR генининг С аллелининг частотаси -86,7% ни, ЦЦПА - серонегатив беморларда эса - 94% ни ташкил этиши, ва MTHFR генининг Т - аллелининг частотаси ЦЦПА серопозитив беморларда- 13, 3% ни, ЦЦПА- серонегатив беморларда эса 6% ни ташкил этиши кузатилди ($\chi^2=1,359$, $p=0.24$).

MTHFR генининг полиморф маркерининг генотипларининг частота тақсимотини ўрганишда ЦЦПА-серопозитив беморларда СС генотиби 76,5%, СТ гетерозигота генотиби - 20,3% ва ТТ - 3,2% ҳолларда да аниқланди. ЦЦПА-серонегатив беморларда эса СС генотиби 88% ни, гетерозиготали СТ генотиби - 12% ни ташкил этган, аммо ТТ - генотиби кузатилмаган. ЦЦПА ҳолатига кўра беморлар гуруҳларини таққослашда статистик ҳисоб-китоблар сезиларли фарқни кўрсатмади.

7-жадвал.

**РА ва назорат гуруҳларида МТНFR гени С677Т полиморфизмининг
генотип частоталари**

МТНFR С677Т	Асосий гуруҳ (РА), n=89	Назорат гуруҳи, n=95	OR	χ^2	95% CI
СС	71-79,78%	85-89,47%	0,464052	3.35 (p=0.067204)	Wald 95% CI: 0.201 >0.464> 1.069
СТ	16-17,98%	9-9,47%	2,094368	2.83 (p=0.092504)	Wald 95% CI: 0.874 >2.094> 5.02
ТТ	2-2,25%	1-1,05%	2,16092	0.409 (p=0.522562)	0.193 >2.161> 24.255

Юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи генларнинг полиморф вариантларини ўрганиш бўйича тадқиқотларда РА ривожланишининг жинс билан аниқ боғлиқлиги кузатилган. Шу муносабат билан биз текширилган шахсларнинг жинсини ҳисобга олган ҳолда МТНFR генининг С677Т полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг частота тақсимотини таҳлил қилдик. Текширилаётган шахсларнинг жинсини ҳисобга олган ҳолда МТНFR ген полиморфизминини ўрганишда, МТНFR генининг С - аллелининг частотаси асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда 81,2% ва 83% ни ташкил этди. Генотипларнинг комбинацияси ўрганишда, аёл беморлар гуруҳида МТНFR генининг СС генотипининг гомозигот вариантнинг частотаси соғлом шахсларнинг назорат гуруҳига қараганда бир оз юқорирок эканлиги кузатилди.

